Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 190 (8930). ● 5 октябрь, 1986 йил ● ЯКШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

## ТИНЧЛИК УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ!

— Совет хотин-қизлари тинчликнинг ҳақиқий қадрини биладилар. Чунки улар урушнинг ҳамма даҳшатларини бошидан кечирганлар. Шу боисдан улар планетамизнинг тинч истиқболи учун курашчиларнинг олдинги сафларида бормоқдалар, деди меҳнат ветерани медицина ҳамшираси Валентина Кашчина 3 октябрь куни Тошкентдаги 1-клиник касалхонада бўлиб ўтган урушга қарши митингни оча туриб. — Биз оталаримиз, эрларимиз, ака-укаларимиз билан биргаликда фашист босқинчиларига қарши жанг қилдик. Тўрт йил давом этган уруш вақтида мамлакат халқ хўжалигининг бутун оғирлиги хотин-қизларнинг нозик елкаларига тушди. Халқимиз иккинчи жаҳон урушида 20 миллион кишидан маҳрум бўлди. Шу сабабли айни совет давлати қуролсизланишга қаратилган тинчлик таклифларининг ташаббускори бўлганлиги қонунийдир. Биз, хотин-қизлар — медиклар ядро уруши қандай оқибатлар келтиришини аниқроқ тасаввур этамиз ва шу сабабли Совет Иттифоқининг тинчлик ташаббусларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Биз урушга йўл қўймаймиз! — деб айтамиз, заминимиз ядро саҳросига айланмайди!

Митингда шу кунларда Тошкентда ўтаётган Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари хотин-қизлар ташкилотлари регионал семинари қатнашчилари ҳам сўзга чиқдилар. Осиё ва Африка халқлари бирдамлик ташкилотининг вакили Элли Мозора (Кипр) бундай деди:

— Биз касалхонангиздаги бир неча бўлимларда бўлдик, ҳукуматингиз одамларнинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида қандай ғамхўрлик қилаётганлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Менинг кўнглим унча бўш эмас, лекин араб мамлакатларидаги ярадор фаластин қочоқлари ётган касалхоналарни эсласам кўз ёшларимни тия олмайман. Уруш одамларга қанча кулфат, қайғу, алам келтирмоқда! Ҳамма мамлакатларнинг ҳарбий ҳаражатлари йилига миллиард-миллиард долларни ташкил этади. Ҳолбуки, шу пайтда миллионлаб кишилар оч-яланғоч яшамоқда, медицина хизматидан маҳрумлар. Биз аёллар фарзандларимизга ҳаёт бахшида этамиз ва улар учун жавобгармиз. Бизнинг семинаримиз планетамиз тинчликсевар кучларининг кўриги бўлиб қолди. М. С. Горбачев билан Р. Рейганнинг Рейкьявикда бўладиган учрашуви бизга заминимиз фарзандлари тинч осмон остида яшашларига умид бахш этади.

Митинг қатнашчилари резолюция қабул қилиб, унда совет ҳукуматининг тинчлик ташаббусларини табрикладилар.

(ЎзТАГ).

# Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1986 йил 4 октябрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг III пленуми бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев «КПСС XXVII съезди талаблари асосида идеология ишининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари» мавзуида доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Андижон область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орипжонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати директори П. С. Мақсудов, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, СССР 50 йиллиги номли Қарши тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи Р. Н. Иванушкина, Қорақалпоғистон АССР Чимбой район партия комитетининг биринчи секретари У. Кунназаров, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Головин, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. Дадажонова, Хоразм область ижроия комитетининг раиси Р. Худойберганова, Фарғона область Қува районидаги 2-ўрта мактаб директори Х. Усмонова, «Правда Востока» газетасининг редактори Г. Г. Неклесса, Навоий область Қизилтепа районидаги «Ёш ленинчи» колхози партия комитетининг секретари С. Н. Наимова сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири Ю. А. Скляров нутқ сўзлади.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг қарорларини бажариш юзасидан Марказий Комитетнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган перспектив иш плани тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев ахборот берди.

Шу масалани муҳокама қилиш чоғида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Самарқанд область партия комитетининг иккинчи секретари Ю. С. Васильев, Бухоро область Когон районидаги «Когон» совхозининг тракторчиси У. Исмоилов сўзга чиқдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан пленум тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. И. Огарок Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси этиб сайланди. В. К. Михайлов Марказий Комитет бюроси аъзолигига кандидат вазифасидан озод қилинди.

Қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими мудири штат лавозими жорий этилиши муносабати билан айни бир вақтда бўлим мудири вазифасини ижро этувчи Марказий Комитет секретари В. Н. Лобко бўлим мудири вазифасидан озод қилинди.

З. А. Ботиров Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлимининг, В. Ю. Зорин савдо ва маиший хизмат бўлимининг, А. С. Воеков транспорт ва алоқа бўлимининг мудирлари этиб тасдиқландилар.

Ишда жиддий камчиликларга йўл қўйганликлари ва нотўғри хатти-ҳаракатлари билан обрўларини тўкиб қўйганликлари учун Навоий шаҳар партия комитетининг собиқ биринчи секретари Н. В. Духанов, Самарқанд район партия комитетининг собиқ биринчи секретари М. Шерқулов Марказий Комитет составидан чиқарилдилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими секторининг мудири В. И. Бессарабов иштирок этди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

## ҲОСИЛ—86




### ПИСКЕНТ

● ОХУНБОБОЕВ номли колхознинг Фозил Салоҳиддинов етакчилик қилаётган бригадаси аъзолари мавжуд 78 гектар пахта майдонидан шу кунгача 230 тонналик хирмон уйиб, йиллик планларини муддатидан илгари бажардилар. Ҳосилдорлик ўртача 30 центнерданга тўғри келди. Пахтанинг ҳаммаси биринчи сортларга сотилди. Йиғим-теримда чевар теримчилардан Севара Мирзахўжаева, Саломат Абдусалиева, Буҳожар Тўлагановалар алоҳида намуна кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Бригада аъзолари йиғим-терим суръатини бўшаштирмай ҳосилдорликни 32 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

**◆ ШУ РАЙОНДАГИ «Гулистон» колхозининг Исмат Сарибоев бошлиқ бригадаси деҳқонлари ҳам мавжуд 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 21 центнердан ҳосил олиб, йиллик планларини бажардилар. 125 тонна хомашёнинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди. Асосий ҳосилнинг 112 тоннаси агрегатлар бункеридан тўкилди. Механик- ҳайдовчилардан Муҳаммадали Жамбулов ҳамда Турдиали Ўрозбоевлар бу борада жонбозлик кўрсатдилар.**

**Далаларда ҳали ҳосил мўл. Коллектив аъзолари давлатга яна 25 тонна пахта етказиб беришга аҳд қилишган.**

### ОҚҚЎРҒОН

◆ РАЙОНДАГИ «Партия XXII съезди» колхозида теримчилар ўртасида ўтказилаётган ўзаро социалистик мусобақа яхши самара беряпти. У ҳар беш кунда якунланиб, ғолиблар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилмоқда.

Яқинда колхозчилардан Матлуба Рисқулова, Малоҳат Кенжаева, Наима Мирҳалилова, Мунаввар Бўстоноваларнинг ҳар бири беш кунда энг кўп миқдорда пахта териб, мусобақа ғолиби бўлдилар.

### ЯНГИЙЎЛ

◆ РАЙОНДАГИ Калинин номли колхознинг Абдураҳмон Бобоқулов бошлиқ бригадасида ҳам барча ишлар ўзаро мусобақа асосида ташкил этилмоқда. Теримчилардан М. Раҳимбоева ва Т. Турмамбетовалар ҳаммадан кўп пахта топшириб, беллашувнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

### ҒАЛАБА

● РЕСПУБЛИКА композиторлар союзи ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри коллективларининг вакиллари ҳам ўтган куни Киров номли колхознинг 12-бригадаси дала шийпонида бўлдилар, деҳқонларга концерт қўйиб бердилар ва спектакллардан парчалар намойиш этдилар.

### КОММУНИСТИК

**◆ ҚИЗИЛ Байроқли Туркистон Ҳарбий округининг ашула ва рақс ансамбли иштирокчилари ҳам пахтакорларга хизмат кўрсатишмоқда. Ўтган куни улар «Ўзбекистон» колхози аъзоларига катта концерт қўйиб бердилар.**

### ЧИНОЗ

● МУХАБАР НОРҚУЛОВА бошлиқ бригада пахтакорлари бу йил 60 гектар майдонда деҳқончилик қилишди. Ғўза парвариши давомида ҳам, ҳосил йиғим-теримида ҳам «Қизил Октябрь» колхози бригадалари ўртасида ўтказилган ўзаро мусобақада илғорликни қўлдан бермай келаётган коллектив аъзолари давлатга 184 тонна пахта топшириб, районда биринчи бўлиб йиллик планларини бажардилар.

Ана шу ҳосилнинг 120 тоннасини механик-ҳайдовчилардан Қобил Искандаров ва Машраб Бойзоқовлар териб беришди. Ҳар гектар майдоннинг ўртача ҳосилдорлиги 30,1 центнерданга тўғри келди. Айни пайтда коллектив аъзолари пахта ҳосилдорлигини 34 центнерданга етказиш учун курашмоқдалар.

◆ ШУ РАЙОНДАГИ «Партия XXIV съезди» совхозининг 1-бўлими ишчилари ҳам йиғим-теримда пешқадамлар сафида боришмоқда. Бу ерда техникадан самарали фойдаланилаётганлиги туфайли суръат кўтарилиб бормоқда. Шу кунгача бўлимда йиллик планнинг 70 проценти миқдорида пахта тайёрланди.

## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

### ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 4 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун машина терими — бир кунлик, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Чиноз | 5,34 | 50,80 | 6,31 | 42,86 |
| Пискент | 4,17 | 41,17 | 5,01 | 40,47 |
| Янгийўл | 3,60 | 38,13 | 4,40 | 34,13 |
| Ўрта Чирчиқ | 4,19 | 36,35 | 5,57 | 45,37 |
| Бекобод | 4,39 | 35,59 | 5,13 | 31,89 |
| Оққўрғон | 4,46 | 30,09 | 5,73 | 29,51 |
| Коммунистик | 2,56 | 26,87 | 3,33 | 34,05 |
| Бўка | 4,08 | 23,75 | 4,94 | 24,96 |
| Ғалаба | 4,93 | 22,13 | 6,30 | 26,19 |
| Область бўйича: | 4,27 | 32,45 | 5,28 | 32,83 |

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида маълумот (мавсум бошидан буён, планга нисбатан процент ҳисобида): Фарғона—53,44; Бухоро—42,03; Хоразм—40,65; ҚҚАССР—40,65; Сурхондарё — 32,60; Наманган—31,34; Самарқанд—22,26; Андижон—21,34; Навоий—20,71; Қашқадарё—20,38; Жиззах — 20,28; Сирдарё—20,14; республика бўйича—31,09.

## МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

● ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Охунбобоев номли колхозда йиғим-терим суръати кун сайин ортиб бормоқда. Бу ерда кунига йиллик планнинг 5 проценти миқдорида пахта тайёрланмоқда.

Механизациядан самарали фойдаланиш туфайли ана шундай натижаларга эришилмоқда, албатта. Ҳозир хўжалик далаларида 24 та терим агрегати юксак унум билан ишлатилмоқда. Механизаторлар ўртасидаги ўзаро мусобақада Нурали Тожиқулов пешқадамлик қилмоқда. У кунига хирмонга энг кўп пахта тўкмоқда, зиммасига юқори мажбурият олган механизаторнинг шу кунгача уйган хирмони 60 тоннадан ошди.

∴ ∴ ∴

● ЎТГАН куни Свердлов номли колхознинг 3-бригадаси дала шийпонига 1-, 2-ҳамда 3-бригада аъзолари тўпланишди. Бу ерга «Ёш гвардия» театрининг етакчи артисти Мурод Ражабов бошлиқ агитколлектив аъзолари келишди. Агитбригада составида шоирлардан Темур Убайдулло, Шавкат Туроб, Валерий Сумин, шунингдек М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг студентлари ҳам бор.

Агитбригада хизматидан деҳқонлар мамнун бўлишди.

Р. ЙЎЛЧИЕВА.



◆ ЧИНОЗ районидаги Карл Маркс номли колхоз механизаторлари терим агрегатларидан унумли фойдаланмоқдалар. Бу йил улар 790 гектар майдонда етиштирилган ҳосилнинг 70 процентдан ортиғини машиналарда териб олиш учун курашмоқдалар. Механизаторлар ўртасидаги мусобақада Ҳ. Бекназаров (суратда чапда) ва Т. Алиқуловлар пешқадамлик қилишмоқда.

Р. Галиев фотоси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ, ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ, ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ВА ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИДА

## ФЕРМАЛАРДА РЕЗЕРВЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

### 1986—87 ЙИЛЛАРДА ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИШ, ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ХАРИД ҚИЛИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ОБЛАСТЬ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

**Область колхозлари, совхозлари, корхоналарининг коллективлари ва агросаноат комплекси ташкилотлари КПСС XXVII съезди қарорларига жавобан 1986—87 йилда чорва қишловига тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли ўтказиш юзасидан конкрет тадбирларни амалга оширмоқдалар. 1986—87 йиллардаги қишлов мавсумида қишлоқ меҳнаткашларининг чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш учун курашларида меҳнат активликларини ошириш мақсадида область партия комитети, область Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитети 1986—87 йилларда чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун область социалистик мусобақасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.**

**Мусобақада районлар, колхозлар, совхозлар, паррандачилик фабрикалари, бўрдоқичилик хўжаликлари, чорвачилик фермалари ва комплексларини ускуналаш бўйича техника хизмати кўрсатувчи ишлаб чиқариш корхоналари иштирок этадилар. План ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъмин этган, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш суръатларини оширишда, чорва тўёғи ва паррандалар бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорликни оширишда, ферма ва комплексларга техника хизмати кўрсатиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажаришда яхши натижаларга эришган илғор районлар, хўжаликларнинг коллективлари, агросаноат комплекси ташкилотлари ва корхоналари область социалистик мусобақаси ғолиби ҳисобланадилар.**

**1986 йилнинг 1 октябридан бошлаб 1987 йил 1 июлига қадар бўлган даврдаги иш натижаларига қараб область мусобақасига якун чиқарилади. 1987 йил 10 июлига қадар район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, агросаноат комплекси касаба союзлари район комитетлари, район комсомол комитетлари, область агросаноат комитети ғолибларни тақдирлаш тўғрисида Ўзбекистон Компартияси область комитети, область Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетига таклиф киритадилар. Энг яхши кўрсаткичларга эришган мусобақа ғолибларини тақдирлаш учун область партия комитети, область Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг 6 та фахрий ёрлиғи таъсис этилган. Шулардан битта фахрий ёрлиқ 1000 сўм пул мукофоти билан илғор районга, бешта фахрий ёрлиқ ҳар бири 500 сўмдан пул мукофоти билан колхозлар, совхозлар, паррандачилик фабрикалари, бўрдоқичилик базалари, чорвачилик фермалари ва комплексларига техника хизмати кўрсатувчи ремонт ишлаб чиқариш корхоналарига берилади ва енгил автомашинанинг талаб катта бўлган маркасидан бозор нархида ажратилади.**

**Социалистик мусобақада энг юқори натижаларга эришган ферма ва комплекслар, паррандачилик фабрикалари, бўрдоқичилик базалари, ферма ва комплексларга техника хизмати кўрсатиш бўйича ремонт ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари ва ходимларига Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳат қилиш учун область касаба союзлари Совети томонидан 50 та туристик йўлланма берилади. Область комсомол комитети илғорларни рағбатлантириш учун 50 та туристик йўлланма ажратади.**

**Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетлари, область агросаноат комитети, район агросаноат бирлашмалари, касаба союзлари ва комсомол ташкилотларига 1986—87 йиллар, умуман ўн иккинчи беш йиллик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун чорвадор коллективлар ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдириш учун оммавий-сиёсий ва ташкилотчилик ишларини олиб бориш, чорвачилик комплекслари ва фермаларидаги ҳар бир чорвадор онгига социалистик мусобақа шартларининг моҳиятини етказиш, улар ўртасида гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан белгиланган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига эришиш учун курашни авж олдириш топширилди.**

## ЎҚИТУВЧИЛАР КУНИГА БАҒИШЛАБ

Мамлакат социал ва иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг партия XXVII съезди ўртага қўйган вазифаларини ҳал этиш ёш авлодни тарбиялаш проблемаларидан ажралмасдир. Бизнинг давримизда янги инсонни вояга етказишда, уни актив ҳаётий позицияда туриш руҳида тарбиялашда ўқитувчининг роли тобора кўпроқ ошмоқда. Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш педагог кадрларнинг обрў-эътибори ва масъулиятини янада баланд кўтаради, мактабни доимо ва кун сайин такомиллаштиришни талаб қилади. Ўқитувчилар кунига бағишланган тантанали йиғилишда шу ҳақда гапирилди. Йиғилиш 3 октябрь куни ССР Иттифоқи Большой театрида бўлиб ўтди.

Президиумда КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин, бир қанча министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари бор эдилар.

СССР маориф министри С. Г. Шчербаков доклад қилди.

(ТАСС).

## МЕҲМОНЛАР ЖЎНАБ КЕТИШДИ

ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер 3 октябрь куни кечқурун Москвадан ватанига жўнаб кетди.

Аэродромда Э. Хонеккерни Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Ғарбий Берлин Бирлашган социалистик партиясининг Раиси Х. Шмитт ҳам Москвадан жўнаб кетди.

(ТАСС).

